

---

## ЁШЛАРНИНГ МУАММО-КАМЧИЛИКЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ёшларнинг муаммо-камчиликлари ўрганилмоқда

Худудларда, уйма уй юриш ва таҳлиллар орқали “қизил тоифа”га киритилган ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича бириктирилган вакиллар ва бевосита раҳбарлар томонидан амалий ишлар қилинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлаш, улар билан манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида 4-сектор ҳудудида хонадонма хонадон борилиб, улар билан суҳбат ўтказилиб мавжуд муаммоларини ҳал этиш бўйича бевосита сектор раҳбари ва бириктирилган вакиллар бошчилигида чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари Муслимбек Мавлонбеков бошчилигидаги ишчи гуруҳ 4-сектор ҳудудидаги маҳаллаларда бўлиб, бевосита маҳалла бешлиги билан биргаликда “қизил тоифа”даги ёшлар билан учрашди ва уларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганди. Ўрганиш давомида фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари – 100 килограмдан буғдой етказиб берилди ва аниқланган камчиликлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2023-07-08 17:03:11